Саҳифа меҳмонлари

# ЗОКИРОВлар: «Карим сарбоннинг карвонимиз»



СУРАТЛАРДА: Зокировлар оиласи.

Р. ШАРИПОВ суратлари.

МЕН бу оилани болалигимдан биламан. Карим Зокиров хотирамда то ҳануз Мулладўст, Ҳамза қиёфаларида яшаб келади. Ботир Зокировнинг рангин овози маҳзун хаёлларга судрайди. «Наманган олмаси» ялласини ижро этганда бутун зал жўр бўлганлигини эслайман. «Ялла»-чи, «Ялла»? Фаррух Зокиров ва унинг йигитлари истеъдодига тан бермаган санъат шинавандаси борми? Бу хонадоннинг қўш кабутари Жамшид ва Гавҳар билан қадрдонман. Улар ижро этган ҳар бир янги ролни чин қалбдан олқишлаб кутиб оламиз. Ютуқларидан севинамиз, омадсизликларидан куюнамиз.

Суҳбатимиз Жамшид ва Гавҳарнинг уйида бир пиёла чой устида бошланди.

**— Жамшид Зокировлар сулоласининг улуғи — Карим ака ҳақида сўзлаб берсангиз!**

— Дадамни эслаганимда ҳар гал юрагим орзиқади. Халқимизда «Яхши ўғил ота изидан боради» деган гап бор. Биз ҳаммамиз — ўғил-қизлар ота изидан бордик. Аммо нималарга қодир эканлигимизни кўрсатолдикми-йўқми, бу томошабинларга аён. Дадам ҳаёт бўлганларида биздан рози бўлармиди ёки йўқми билмадим. Лекин биз санъаткорлик касбини танлаб адашганимиз йўқ деб ўйлайман.

**— Карим акани ҳамма билганлар жуда одамохун эди деб таърифлашади.**

— Буни мендан кўра аямлар жуда ҳам яхши биладилар. Ўзларидан сўрай қолинг.

**— Шоиста ая сиз билан бирга турадиларми! Демак...**

— Ҳа, Шоиста опа қариялар уйида экан деган миш-мишлар бекор гап. Аяжон, бир минутга бу ёққа қаранг. Дадам ҳақида ҳикоя қилиб берсангиз...

— Оҳ, болама, ҳамма ўзиникини мақтайди деган гап бор. Лекин мен, юрагимдагини айтаман. Одамгарчилик бобида у кишининг олдига тушадигани йўқ эди. Бизнинг уйимиз гавжум бўлмаган бир кун ҳам бўлмаган. Карим акангизнинг одатлари қизиқ эди: биров уй тополмаса, қийналиб қолса уйга етаклаб келавераардилар. Уйимизда икки-уч йиллаб туриб, шу ерда ўз оила аъзоларимиздек бўлиб кетганлар қанча. Тўйлари ҳовлимизда бўлиб ўтганлар-чи?

**— Уларнинг биронтаси номини эслай оласизми!**

— Энди болам, қарилик экан-да, ҳозир невараларимнинг ўзидан исмини сўрайдиган бўлиб қолганман.

**— Карим ака билан қачон учрашгансиз ўзи!**

— Эсимда, Муҳиддин Қориёқубов билан Тамарахоним мени қиз қилиб олишганди. Ўшанда 14—15 ёшимда бўлсам керак. Икки буюк санъаткорнинг менга меҳнатлари жуда кўп сингган. Илк марта 15 ёшимда музикали драма театри саҳнасига чиққанман. «Лайли ва Мажнун»да Лайли, «Фарҳод ва Ширин»да Ширин образларини яратганман. Ёшлик экан-да, шунчалар берилиб ариялар ижро этардим. «Ҳалима» музикали драмасида ҳам Ҳалимани ижро этгандим. Бу ролни Ҳалима Носирова ижро этганини биласиз-а? У киши узоқ муддат дам олишда бўлганларида Ҳалима бўлиб саҳнага чиққандим. «Аршин мол олон»да ҳам Гулчеҳрахонимни ижро этувдим.

Музаффар ота Муҳамедов, Зуҳур Қобулов сингари саҳна фидойилари саҳналаштирган кўпгина спектаклларда иштирок этганман. Опера ва балет театри ташкил этилгач, биринчи ўзбек операси «Бўрон» саҳнага чиқди. Кейинроқ эса Узайир Ҳожибековнинг «Кўрўғли» операси ҳам саҳнада ўйналди. Мен девона қизни ижро этгандим. Ўшанда машҳур озарбайжон санъаткори Булбул Мамедов ҳам спектаклда қатнашган. Уни кўриш, бирга роль ўйнаш бахтига муяссар бўлганман.

Муҳиддин Қориёқубов билан Тамарахонимнинг менга меҳнатлари жуда кўп сингган. Ўз қизларидек тарбиялаб, мени Карим Зокировга узатишди. Карим ака билан бахтли яшадик, меҳнат қилдик, элда эътибор топдик. Тамара опа, айниқса, 1936 йилда Ботиржон туғилганда мени худди онамдек парваришлаган. Дўмбоққина Луизани алоҳида меҳр билан чўмилтиришарди.

Айтаверсам гап кўп, болам. Карим акангиз саҳнада ҳам, ҳаётда ҳам бир жаҳон эди, меҳрибон эди.

— Дадамнинг бизга бўлган муҳаббатларини шоир бўлсам достон қилардим, — гапга аралашди Жамшид, — Карим Зокиров — биринчи опера қўшиқчиси, биринчи устоз, биринчи муаллим эди. Ботир акам ёки Луиза опам саҳнага чиқсалар, то концерт тугагунча безовта бўлардилар. Худди саҳнада ўзлари тургандек.

— Ботир акам қўшиқчилик санъатида алоҳида юлдуз эдилар...

— Вой, болам, нимасини айтасиз, — Шоиста ая чуқур сўлиш олди, — мени ўтга ташлаб кетди. Ботир билан Навфалим. Қандоқ қўшиқлар куйларди. Ҳавр айтган қўшиғи юракка малҳам эди. Пешонамга сиғмади Ботирим!

— Навфал акам Тошкент Давлат консерваториясини тугатиб, Алишер Навоий номли Катта академик опера ва балет театрида ишлай бошлаган эдилар. «Зулматдан зиё» операсида дастлабки ролларини ижро ҳам этувдилар. Аслида исмларини чақмоқ десак бўлар экан. Ялт этдилару, ўтиб кетдилар.

— Нимасини айтасан, Жамшид, — хўрсинди Шоиста ая.

— Ботир акамни эсласам, доим хаёлга чўмаман. Мабодо қўшиқчи бўлмасалар, албатта, мусаввир бўлардилар. Рассом ҳам бўлмайман деганларида ажойиб ёзувчи бўлишларига сира ҳам шубҳа қилмасдик.

— Ишонч блан гапиряпсиз, ишонмасдан иложим йўқ...

— Сиз Ботир акам чизган суратларни кўрганмисиз ўзи?

— Ҳа, кўрганман. Жуда маҳзун, жуда ҳазин эди мўйқаламлари. Ҳикояларини ҳам ўқиганман.

— Тўппа-тўғри, — деб Жамшид жўшиб кетди. — «Сўғдиёна йўлбарси» операсининг либреттосини ҳам ёзувдилар. Суратларга эътибор берганмисиз? Ҳар бир чизиқ қўшиққа ўхшайди.

— Ўша суратларга соатлаб тикиламан, — оҳиста гапирди Шоиста ая, — оиламиз мероси бу ахир.

Жамшид ўртадаги мунгли ҳолатни пайқаб қолди шекилли, суҳбат мавзуини бурди:

— Аям ўз вақтида куйлаган кўпгина қўшиқларни Луиза опам ҳам куйлаган.

— Ҳа, Луиза қизим яккахон қўшиқчи сифатида танилиб кетди, — аянинг чеҳраси ёришди. — Унга доим шеър танлашда ёрдам берардим. Ижро этаётганда ҳам ҳамкор эдим. Энди она бўлиш жуда қийин-да. Бу ёқда болалар, бу ёқда — санъат. Ҳаммасини уддалашимга тўғри келувди. Болаларимдан жуда ҳам хурсандман, ҳалол хизмат қилишди, қилишяпти.

— Айниқса, Фаррух, — гап қистирдим мен.

— Битта Фаррух эмас, — Жамшид ғурур билан сўзлади, — «Ялла» ансамблидан уни ажратиб бўлмайди. Рустам Илёсов, Жавлон Тўхтаев, Аббос Алиев сингари хушовоз хонандаларнинг ҳаммаси санъат заҳматини яхши билади. Аслида «Ялла» ансамбли Ботир акамнинг орзуси эди. Ўзлари кўрмаган бўлсалар ҳам, ўша орзу ушалди. Умуман, «Ялла»нинг бахти бор. Фаррух акам ҳам бастакор, ҳам хонанда — ўзи куй басталаб, ўзи ижро этаверади.

— Қўшиқлар-чи, қўшиқлар? Халқимизнинг йиллар бўйи ардоқлаб куйлаб келаётган қўшиқлар улар... Дилкаш, дардманд қўшиқлар...

— «Ялла»нинг репертуарида классик санъат билан замонавий эстрада ажиб ҳолатда уйғунлашиб кетган. Шунинг учун ёшу қарига бирдек ёқади.

— Ҳозир ансамбль қаерда? Учрашамизми?

— «Ялла» Туркманистонда, сафарда, ойнинг охирида қайтади.

Эшик қўнғироғи жиринглади. Шоиста ая ўрнидан қўзғалди.

— Гавҳарой келди шекилли.

Уйни ўзининг дилбар чеҳрасидан ёғилган нур билан тўлдириб, чиндан ҳам Гавҳар кириб келди.

— Вой, ҳали ҳам шундай ўтирибсизларми? Мен ҳозир...

— Яхши аёл яхшида, — деди Жамшид.

— Бунинг устига яхши санъаткор бўлса, — кулиб қўйдим мен. — Сизларнинг уйингизда биринчилар кўп экан-да-а?

— Нега? — ҳайрон бўлди Жамшид. — Ҳаммамиз имкон қадар ишлаймиз. Биринчиликка сира ҳам даъво қилмаганмиз.

— Тушунмадингиз. Карим ака биринчи ўзбек опера қўшиқчиларидан эди. Ботир ака биринчи ўзбек эстрада хонандаси эди. Сиз биринчи драматик актёр...

— Э, бундай демайсизми! — Жамшид кулди. — Биз десак тўғри бўлади. Гавҳар ҳам борку. Икковимизни ажратмангда.

— Тошкент театр ва рассомлик институтида бирга таҳсил кўрганмиз. — Гавҳар суҳбатга қўшилди. — Ўша ерда танишдик. 1967 йил эди ўшанда?

— Ҳа, ҳа, — деди Жамшид. — 1971 йилда эса институтни тугатиб, Ҳамза номли академик театримизга ишга қабул қилиндик. Муқаддас орзумиз ушалди.

— Саҳнада мен ҳам, Гавҳар ҳам ўттизга яқин роллар ижро этдик. Узлуксиз машқлардан ҳунобимиз ошган дамлар қанча бўларди. Шундай онларда СССР халқ артисти Наби Раҳимов, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Турғун Азизов, Ёқуб Аҳмедовлар ҳар лаҳзада руҳан мадад берардилар.

— Мен ҳам гапирай, кейин ошхонага кириб кетаман, — деди Гавҳар ҳазиломуз, — мақтансам ҳам майли-а? «Қароқчилар» спектаклида Амалия, «Бой ила хизматчи»да Гулбаҳорни ижро этдим. Иккала ролни ҳам жон-жонимдан севаман. Биласиз, иккала ролни СССР халқ артисти Сора Эшонтўраева жуда маромига етказиб ижро этганлар. Мени табрикладилар. «Балли қизим, янгича талқин қилибсиз. Ўзингизнинг Амалиянгиз, Гулбаҳорингиз бўлибди», дедилар.

— Қўш кабутарлар ҳам сабоғингиздан баҳраманд бўлишса керак? — сўрадим суҳбатга жимгина қулоқ тутиб ўтирган Шоиста аядан.

— Сал-пал, — деди ая.

— Ўрганмасдан бўладими ойижонимдан, — деди Гавҳар, — ахир бу киши хазиналарку.

— Эстафетани қабул қилувчилар бордир?

— Бор, — Жамшид жонланиб кетди. Унинг одати ўзи шунақа, дарров жўшиб кетади, — энди санъаткорлар оиласида туғилса, танглайи санъат билан кўтарилса... Фарзандларимиз ҳам, албатта, санъаткор бўлишади-да. Ботир акамнинг ўғлини биласиз Бахтиёр Зокиров. Бутуниттифоқ кинематография институтини тугатган. «Даҳонинг ёшлиги» бадиий фильмида Ибн Сино ролини ижро этган. Ибн Синонинг отаси Рожани ким ижро этган, биласизми? Ботир акам! Ота-бола бир фильмда қатнашган. Бунақаси кам бўлади. Бахтиёрнинг рафиқаси Заррина ҳам санъаткор. «Ўзбекфильм»да.

Луиза опамнинг қизи Наргиза «Водиллик келин» фильмидаги қўшиқларни ижро этган. Фильмга, биласизми, Фаррух акам музика басталаган.

— Фаррух демак серқирра истеъдод эгаси экан-да?!

— Бўлмасамчи! Туғма истеъдодли-да! 14 яшар ўғлим Жавоҳир ҳам санъат ишқибози. У «Олмос камар» телеспектаклида қатнашди. «Юлдузли тунлар» спектаклида Бобурнинг болалигини ўйнади.

— Жамшид, бир оила аъзоларининг ҳаммаси санъаткор бўлса қандай бўлар экан?

—Қандай бўлиши керак? — Жамшид савол назари билан менга қаради.

— Ҳар бир санъаткор учун ўз устида ишлаши учун шароит керак. Бир уйдаги бир нечта санъат аҳли шу маънода бир-бири билан келишиши қийин бўлар деймандa!

— Аксинча! — хитоб қилди Гавҳар ошхонадан уйга ўтаётиб. — Жамшид ака менга устозлик қилади...

— Вақти келса у менга! — давом эттирди Жамшид. Қайтанга яхшиям оилада санъаткорлар кўплиги.

— Айтганча Равшан ҳақида сўрамабман!

У ҳали студент. Келгуси йилда Тошкент Давлат маданият институтини тугатади. Режалари жуда катта. Чақирайми? Чақирай, келсин ўзи билан гаплашинг.

Жамшид телефон қулоғини буради. Қизғин гаплашди. Бироздан кейин хушрўй йигит салом бериб, кириб келди.

— Равшан! — деди Жамшид, — яхши иш қиляпти. Яхшиси ўзи айтиб берсин.

— Нимани айтай? — деди Равшан.

— Тузган гуруҳинг ҳақида гапир.

— Э, уми? Ҳали ҳам номини тополмай юрибман. «Абад» дедик, «Авлод» дедик — бўлмади. «Тошкент» гуруҳи деб қўяқолайлик-а...

— Жуда яхши. Янги ансамблингиз неча кишидан иборат?

— Ҳозирча уч киши: мен, Ботир акамнинг ўғли Баҳодир, менинг ўғлим Воқиф. Асосан, ўзбек қўшиқларини ижро этамиз. Ботир — гуруҳимизнинг бахти, ажойиб бастакор. Миртемир, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов шеърларига шундай мусиқалар ёздики, асти қўяверасиз. Тошкент область комсомол комитети бизга катта ёрдам берди: жой ажратди, маблағ берди. Июль ойида Қорақалпоғистонга биринчи ижодий сафаримизга жўнаймиз.

—Наргиза ҳам сизлар билан биргами?

— Бирга бўлиш нияти бор. Фақат бир-икки йилдан кейин. Чунки фарзанд кўрди. Исмини Сабина қўйди. Баҳодир ҳам фарзандли бўлди. Исми Ботир, — деди Жамшид.

— Янги Ботир Зокиров туғилибди!?— дедим.

— Қайдам, шундай бўлса қанийди.

— Нима бўлганда ҳам Зокировлар сулоласининг янги авлодлари дунёга келибди. Демак сулоланинг санъати давом этаверади, албатта!

— Муҳими ҳам шу! — деди Жамшид.

Шу кунги суҳбатимиз алла маҳалгача давом этди. Хайрлашиб кўчага чиққанимда юлдузлар милтирай бошлаган эди. Зокировлар ҳам юлдуз. Карим Зокиров ва Шоиста Саидоваларнинг умид, қалб юлдузлари.

Карим ака боғбон бўлган экан. Унинг боғида турфа гуллар чамандек очилиб ётар экан. Лекин энг аълоси бу уларнинг фарзандлари, неваралари, эваралари. Уларнинг ҳам санъати гул мисол фақат сўлмайдиган, мангу яшноқ гуллар.

Карим ака сарбон эди. Унинг карвони уфқлар сари одимлаяпти.

Темур УБАЙДУЛЛАЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.

«МУШОҲАДА» («Размышление»)
Ежемесячный выпуск общественной редакции газет «Тошкент оқшоми» и «Вечерний Ташкент».
Справкалар учун телефонлар: 32-54-15, 33-99-42, 32-53-66.

Фидойиларимиз

# Аълочи муаллима



З. ҲАЙДАРОВ сурати.

— Ойингиз уйдами?
— Ҳа, уйдалар, киринг.
—Хушхабар олиб келдим, хушхабар!
— Қанақа хушхабар?
— Насиба опа СССР халқ маорифи аълочиси бўлибди.

Наргиза хурсандчилигидан ойисини чақиришни ҳам унутиб, ўзини қаерга қўйишни билмай ҳадеб ирғишларди. Бу орада етиб келган Абдумаъруф ойисини чақириб чиқди. Насиба опа телеграммани олар экан, почтальонни қўярда-қўймай бир пиёла жойга таклиф этди. Унинг кўзларида севинч ёшлари, хаёллари эса аллақачон ўтмишга учган эди...

Опанинг болалик даври Улуғ Ватан уруши йилларига тўғри келди. Уйда тўнғич фарзанд бўлганлиги сабабли у кўпроқ бувисининг тарбиясида бўлди. Бувиси Малика Комилова паранжини биринчилар қатори ташлаган, саводсизликка қарши кураш даврларида ўзбек аёлларига хат-савод ўргатишда етакчилик қилган маърифатпарвар аёллардан бири бўлиб, у ўзидаги илмга чанқоқлик, тиниб-тинчимаслик каби фазилатларни Насибага юқтира олган эди. 1955-йилда Собир Раҳимов районидаги 23-ўрта мактабни тугатган Насибани «Ким бўлсам экан?» деган савол кўп қийнагани йўқ. Болалигидан қон-қонига сингиб кетган ўқитувчилик касбига меҳр қизчани Тошкент Давлат педагогика институтининг филология-тарих факультетига етаклаб келди. Беш йил давомида студентларнинг илмий-педагогик конференциялари ва педагогик практикаларида актив иштирок этди. Айниқса, IV курсда ўқиб юрган пайтида 34-мактабда ўтказилган практика мобайнидаги изланувчанлиги, ғайрат-шижоати, ўз билимига пухталиги мактаб маъмуриятининг эътиборини тортди. Дирекция томонидан илтимос билан шу мактабда ишга олиб қолиниши Насибанинг илк муваффақиятларининг дебочаси бўлди. Шундай қилиб, V курс талабаси институтни тугатмай туриб педагогик фаолиятини бошлаб юборди. Мана, шунга ҳам 30 йил бўлибди. Ўшандан буён кўп сувлар оқиб ўтди. Шу пайтгача бирор марта ҳам танлаган касбидан афсусланган йўқ.

41-ўрта мактабда ишлади, сўнгра 102-мактабга ишга ўтди. 1979 йили илмий бўлим мудирлиги вазифасига кўтарилди. 1983 йилдан бошлаб Октябрь район халқ маорифи бўлими тавсияси билан 141-ўрта мактабда директорлик лавозимида ишлай бошлади. Опанинг ташкилотчилик лаёқати қирралари шу ерда намоён бўлди.

Мактабда иш кўп эди. Биринчи кунданоқ ремонтга эътибор кучайтирилди. Мактаб томи эскириб кетгани учун бутунлай янгиланди. Иситиш системалари ҳам қайтадан ўтказилди. Натижада қишда қават-қават кийим кийиб ўтирадиган ўқувчилар биринчи марта енгил нафас олишди. Бу ишлар оталиқ ташкилоти ҳисобланган Сув хўжалиги министрлиги ёрдамида бажарилди. Буниси ҳам осон кўчмади. Бир неча бор министрликка қатнаш, қабулхоналарда соатлаб қолиб кетишлар кўп бўлди. Хуллас, мақсадга эришилди.

Мактабда стендлар, плакатлар янгиланди. Синф хоналари ва фан кабинетлари кўргазмали қуроллар билан бойитилди. Спорт майдончаси вужудга келди. Мактаб ҳовлисида асосан ўқувчиларнинг кучи билан кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди.

Мактаб ислоҳоти болаларда мустақил фикрлашни ривожлантириш масаласини олдинга сурди. Шунга мувофиқ биринчилар қаторида бу ерда олти ёшлилар синфлари ташкил этилди. Кичкинтойларга иккитадан ўқув ва дам олиш хоналари ажратилди. Ўйин хоналари барча керакли буюмлар, телевизорлар билан жиҳозланди. Олти ёшлиларга таълим бериш Азиза Раҳимова, Наима Насриддинова каби тажрибали ўқитувчилар зиммасига юклатилди. Мана шу тадбирлар ўз самараларини бера бошлади. Мактаб шаҳарда тилга тушди.

...Насиба опа Алимова шуларни хаёлидан ўтказар экан, қалби қувончга тўлиб кетди. Устига-устак бу хушхабар опага яна қанот бағишлади. Бу шарафли унвон ўзининг зиммасига яна жиддийроқ вазифаларни юклашини у яхши билар эди.

Табригимизни қабул этинг, аълочи опа!

**Дония ЗОКИРОВА.**

Ҳамшаҳарлар, хизматингиздамиз!

# Музқаймоққа дил чанқоқ

Кўпинча қўлимизга музқаймоқни олганимизда унинг қоғозига туширилган «Ташхлодокомбинат» муҳрини кўрамиз. Ҳа, ана шундай лаззатли сут таомини ишлаб чиқарувчилар «Ташхлодокомбинат»да меҳнат қилишади.

Комбинат шаҳримиз аҳлига яна қандай янги номдаги музқаймоқлар етказиб беради? Ичига солинадиган масаллиқларда қандай сифат ўзгаришларига эришилади? Бу саволлар бизни комбинат томон чорлади.

«Ташхлодокомбинат»нинг ишга туширилганига ҳали ўн йил ҳам бўлмади. Шунга қарамай корхона ўзининг ҳар кунги 35 тонналик музқаймоғи билан илғор ишлаб чиқариш коллективларига тенглашиб олди. Агар доналаб ҳисоблайдиган бўлсак, ҳар куни 350 минг киши бу маҳсулотни истеъмол қилар экан.

У сут, сариёғ, шакар , крахмал, шоколад, какао ва бўёқлар аралашиб музқаймоқ ҳолига келгунча бир қатор технологик жараёнлардан ўтади, «Дерби» ва «ОЛБ» маркали автоматларга тушгач, тайёр ҳолатга келади. Саралловчилар автомат линияларидан тушаётган нонли ва қоғозли музқаймоқларни олиб махсус картон қутиларга жойлаштирадилар, унга комбинат муҳрини босиб савдо дўконларига жўнатадилар. Хўш, унинг сифатини қаердан билишади?

— Иш жараёнидаёқ бу нарса маълум бўлиб қолади, — дейди «Ташхлодокомбинат» директори Р. Ф. Хўжаев. — Маҳсулотга солинадиган масаллиқ ажратилган нормадан кам бўлса ёки вақти, ҳарорати каби технологик ҳолатлари бузилса, сифатга дарҳол путур етади. Бу пайтда зудлик билан олдини олишга ҳаракат қиламиз. Сўнгги пайтларда биз бу масалада дуруст натижаларга эришяпмиз. Негаки, маҳсулотимизни халқ баҳолайди.

Ҳозирги кунда қаймоқли, мағизли, какаоли ва пломбир музқаймоқларини қоғозли, нонли ва ясси вафлили ҳолатида ишлаб чиқарилаяпти.

Ёз мавсумида эса мевали музқаймоқ чиқариш топшириғи берилган. Аммо бунинг уддасидан чиқишга имконимиз йўқ. Чунки мева маҳсулотлари етказиб берилмаяпти. Мана, яқинда қулупнай мавсуми ўтди. Ўша қулупнай етказиб берилмагани учун бундай музқаймоқ чиқмай қолди. Шу кунларда олча, ўрик сингари мевалар пишиқчилиги бошланди. Бу нарсалар бериб турилса, бажонидил мевали музқаймоқ ишлаб чиқарган бўлардик. Ишчиларимизнинг асосий қисмини комсомол қизлар ташкил қилади. Улар орасида Арофат Иноятова, Нафиса Абдухалилова, Ҳакима Обиджонова, Гулчеҳра Қосимовалар корхонада алоҳида ўрнак кўрсатиб келишмоқда.

Дарҳақиқат, автоматлардан тайёр тушаётган музқаймоқларни қутиларга жойлаётган қизларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ҳароратнинг пастлигига қарамай минглаб дона мазали музқаймоқларни етказиб бераётган қизларга, тиним билмас иссиқ қўлингиз сира дард кўрмасин, демоқчимиз.

**Ф. ҲУСАНОВА,**

**«Мушоҳада» мухбири.**

Савол — жавоб

# Марҳамат, сўрайверинг

**В. СОАТОВ: Мен турмуш ўртоғим билан ажралиш учун судга ариза берганман. Болалар мен билан яшаяпти. (Хотинимни нопокликда айблаяпман, бунга далилим бор). Ҳозир суд олдида болаларни ўз тарбиямда қолдириш талабини қўяман. Айтингчи, суд болалар манфаатини кўзлаб қарор чиқарадими? Агар болалар хотиним тарбиясида қолса бобо ва бувилари уларни бориб кўришга ҳақлими?**

**Жавоб:** Ўзбекистон ССР оила ва никоҳ кодексининг 46-моддасига мувофиқ суд никоҳдан ажратиш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарган пайтда, зарур ҳолларда, вояга етмаган болаларнинг ва меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин манфаатини ҳимоя қилиш чораларини кўради. Бунда болаларнинг хоҳиши ва бошқа ҳолатлар эътиборга олинади.

Бобо ва буви ўз набираси билан кўришиб туришга ҳақли. Ота-оналар бобо ва бувига ўз набиралари билан кўришиб туришга имконият бермасалар, агарда бундай кўришиш болаларнинг нормал тарбияланишига халақит бермаса ҳамда уларга зарарли таъсир қилмаса, васийлик ва ҳомийлик органи шу органлар белгилаган тартибда бобо ва бувига уларнинг набираларини кўрсатишга ота-онани мажбур қилиши мумкин.

**А. АЗИМОВ: Мен «Жигули» маркали автомашинани олганимга бир неча йил бўлди. Ҳозир хотиним номига ўтказиш масаласи қўйилаяпти. Шундай қилсам бўладими? Давлат пошлинаси қанча бўлади?**

**Жавоб:** Ҳа, бўлади. СССР Ички ишлар министрлиги томонидан 1975 йил 20 январда тасдиқланган автотранспорт воситаларини рўйхатга олиш қоидасининг 35-бандига биноан агар автомобиль эр-хотинларнинг бирга яшаётган даврида харид қилинган бўлса, эр-хотинлар бир-бирлари билан келишган ҳолда, биргаликдаги берилган аризаларига кўра ГАИ органларида эр ёки хотин бир-бирларига ўтказишни расмийлаштиришлари мумкин. Бунинг учун нотариал конторасида шахсий мулк ҳуқуқи гувоҳномасини олиш керак. Тўланадиган давлат пошлинасининг нархи 50 тийин.

**У. ҚОСИМОВ: Мен кооператив ташкилотига қарашли уйда тураман, энди ўғлимникига кўчиб ўтиш ниятим бор. Айтингчи, кооператив уйни бошқа киши (қариндошим)га ўтказиб, аъзолик бадалини қайтариб олсам бўладими?**

**Жавоб:** Ҳа, мумкин. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1988 йил 31 мартдаги 406-сонли «Уй-жой қурилиш кооперациясини такомиллаштиришни жадаллаштириш чора-тадбири» ҳақидаги қарорининг 6-бандида кўрсатилишича, агар уй-жой қурилиш кооперативи аъзоси квартира учун пай тўловини тўлиқ тўлаб бўлса кооперативдан чиқарилган тақдирда пай тўловини кўрсатилган миқдорда қайтариб олиши, квартирани ўзининг қариндошларига ёки бошқа кишиларга (агар улар қонунга биноан кооператив аъзолигига кириш ҳуқуқига эга бўлсалар ва ўзларига кооператив уставида кўрсатилган талабларни бажариш учун мажбурият олсалар) топшириши мумкин. Бунда кооперативдан чиқаётган кишининг оила аъзолари ҳуқуқи поймол қилинмаслиги керак.

**А. ҲАСАНОВ,**
**ҳуқуқшунос.**

Меҳмон—отангдан улуғ

# Бир меҳрибон инсон қани?

**Офтоб аямай нур пуркайди. Иссиқдан ҳолсизланган кексалар ёки болалик оналар соя-салқин жой излаб атрофга жовдирашади. Ниҳоят юзларидаги терларини артиб, ўзларини ичкарига уришади. Аммо бу ерда ўтиришга ўриндиқ йўқ, оёқда мадор қолмагач, ғадир-будур бетон полга чўкишади. Қизиғи шундаки, ташқарида сон-саноқсиз скамейкалар қуёшда қовжираб ётибди.**

**Кутиш залининг манзарасини чизишда давом этамиз: оёқ остида қоғоз бўлаклари, музқаймоқ қолдиқлари, ҳар хил латта-путталар мундоқроқ ахлатхонани эслатади. Ҳамманинг юзи тердан қизарган, қоғоз елпиғичлар келтираётган иссиқ шамол кўнгилни беҳузур қилади. Болаларнинг қийчуви, гўдаклар чинқириғи, катталарнинг шовқин-суронига тепловозлар гудоги қўшилиб, антиқа бир кўринишни вужудга келтирган.**

**Эҳтимол, ҳамшаҳарларимиз сезишмасада, пойтахт меҳмонлари бу ернинг Жанубий темир йўл вокзали эканлигини аллақачон пайқаб олишган бўлса керак. Ҳа, худди шундай.**

**— Тавба, — деди кимдир фиғони фалакка чиқиб, — Лоақал қўл ювгани сув ҳам топилмайди-я...**

**Танишдик. Бу куйинчак киши Яккабоғ шаҳридан Аловиддин Исҳоқов эканлар.**

**Ҳарбий хизматдан қайтаётган оддий солдат Солиҳ Сафаров ҳадеб автомат телефонни муштлаяпти.**

**— Ҳе, савил қолгур, — дерди у жаҳл билан, — бу матоҳлар савлатга ўрнатилганми! Бирортаси ишламаса-я! Полкдошимнинг ота-онасига ўғлининг келаётганини айтиб, хурсанд қилмоқчи эдим...**

**— Хафа бўлманг, ука — деди Вобкент районидан Назима Қодирова, — Тошкентда меҳмонларни тунайдиган ҳам бўлишибди. Ҳозиргина менинг сумкаларимни ўмариб кетишди...**

**Аллаким чайқовчилардан нолиб кетди.**

**— Ҳа, булар бемаза қовуннинг уруғидай сероб, — деди вокзал навбатчиси С. Илёсов, — анча олдин 5—10 тадан билет олиб қўйишади-да, поезд жўнайдиган куни 4—5 баравар ортиқча нархда пуллашади. Бу текинхўрлардан қутулишнинг ҳеч иложи бўлмаяпти...**

**Бу ерда ҳамма нарса пулга чақилади. Кооперативларнинг кўплигини-ей... Кооператив киракашлик, вагон-меҳмонхона... Узр, аммо айтмасликнинг иложи йўқ: бир ўспирин икки қўли билан шимининг боғичидан ушлаб, 15 тийин излаб зир югуриб юрибди. Суриштириб билсак, ўн беш тийин бўлмаса кооператив ҳожатхонага ҳам қўйишмас экан.**

**Болалик оналар хонасига бош суқиб бўлмайди. Дим, ҳаммаёқ ифлос, деворлардаги сувоқлар кўчиб кетган. Раҳбарлар кабинетларидаги кондиционерлардан бўлак бирорта совутгич ишламайди. Бу ерда оналардан кўра эшик оғаларига ортиқча пул қистириб кириб олган ёшлар кўп экан.**

**— Нима бўпти, — кулади навбатчи ҳамшира А. Бегиева, — бу дўндиқчалар ҳам 4—5 йилдан кейин она бўлишади...**

**Ташқарида эса болалик оналарнинг кўпчилиги бетон полда ўтиришибди.**

**Биз милиция навбатчиси Петр Арутюнянга рўбарў бўлдик:**

**— Сумкалар, чемоданлар ўғирланаётган эмиш...**

**— Нима қилайлик, — деди маъмурий орган ходими, — атиги битта хона. Ушлаб келган жиноятчини сақлаб туриш учун постдаги иккита милиция ходимини чақиришимиз керак. Улар бу ёққа келиши билан яна йўловчиларнинг буюмларини шилиб кетишади. Тартиббузарларни сақлайдиган қулфкалитли яна бир хона бўлса экан... Ўтган ойда вокзалда 79 та жиноят содир бўлди, 12 та чайқовчини ушладик.**

**Шу ердаги «Тошкент» ошхонаси таомларини оғизга олиб бўлмайди. Оқибатда таомларнинг 60 фоизи чиқитга чиқиб, ахлат қутиларига тўкиб юборилмоқда. Бу эса кўпчиликнинг ҳақли эътирозларига сабабчи бўлаяпти.**

**Баъзан хизматнинг тўғри ташкил этилмаганлиги туфайли минг хил азоб билан аранг билет олган йўловчилар поезддан қолиб кетишмоқда. Чунки поездлар атиги 3 минутгина тўхтаганлиги учун ур-йиқитда баъзан кексалар вагонларига вақтида етиб боришолмаётир.**

**Ҳикоямизга йўловчилардан бири якун ясади:**

**— Хуллас, йўл азоби — гўр азоби, деганлари рост. Қачон биз ҳам бошқаларга ўхшаб роҳатижон сайри-саёҳатга етишар эканмиз-а? Бу ерда эса аҳволимизга қайишадиган бирор меҳрибон инсон топилармиди...**

**Д. ОБЛАЕВ,**
**«Мушоҳада» мухбири.**

